

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

и.ф.н., проф. **Азларова Азиза**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-4873-7998

[aziza.azlarova@mail.ru](mailto:aziza.azlarova@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида банк хизматлари оммабоплигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Мамлакатда молиявий оммабопликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган институционал ислохотлар, рақамли банк хизматлари, финтех технологиялари, очиқ банкнинг (Open Banking), сунъий интеллект технологиялари ҳамда ислом молияси элементларининг банк тизимига жорий этилиши таҳлил қилинган. 2026 йил учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда халқаро молиявий ташкилотларининг статистик маълумотлари асосида молиявий оммабоплик даражасини янада оширишга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** молиявий оммабоплик, рақамли банк, финтех, Open Banking, сунъий интеллект, ислом молияси, депозит, кредит, рақамли тўловлар, молиявий саводхонлик.

## АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОСТУПНОСТИ БАНКОВСКИХ УСЛУГ

к.э.н., проф. **Азларова Азиза**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье исследованы современные направления повышения доступности банковских услуг в Республике Узбекистан в условиях цифровой экономики. Проанализированы институциональные реформы банковской системы, развитие цифровых банковских услуг, внедрение технологий искусственного интеллекта, Open Banking, исламского финансирования и финтех-платформ. На основе статистических данных Центрального банка Республики Узбекистан и международных финансовых организаций за 2026 год разработаны практические рекомендации по дальнейшему повышению финансовой доступности.

**Ключевые слова:** финансовая доступность, цифровой банк, финтех, Open Banking, искусственный интеллект, исламское финансирование, депозит, кредит, финансовая грамотность.

## TOPICAL ISSUES OF INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF BANKING SERVICES

PhD, prof. **Azlarova Aziza**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article examines current approaches to improving financial inclusion in Uzbekistan under the conditions of digital economic transformation. Particular attention is paid to the development of digital banking services, fintech ecosystems, Open Banking technologies, artificial intelligence, and Islamic finance. Based on the latest data available for 2026, the paper evaluates the current state of banking service accessibility and proposes practical recommendations for enhancing financial inclusion in Uzbekistan.

**Keywords:** financial inclusion, digital banking, fintech, Open Banking, artificial intelligence, Islamic finance, financial literacy.

### Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини чуқур ислоҳ қилиш, рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айниқса, "Ўзбекистон-2030" стратегияси ҳамда мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар банк хизматларини рақамлаштириш, банк секторини хусусийлаштириш, молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда аҳоли учун молиявий хизматларнинг оммабоплигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштирди.

2024–2026 йилларда республика банк тизимида рақамли трансформация янада жадаллашди. Рақамли банклар, финтех компаниялари, электрон ҳамёнлар, QR-тўловлар, биометрик идентификация, масофадан ҳисобрақам очиш, онлайн кредитлаш ҳамда сунъий интеллект асосида хизмат кўрсатиш амалиёти кенг тарқалди.

Бугунги кунда банк хизматлари оммабоплиги фақат филиаллар сони билан эмас, балки рақамли хизматлар сифати, молиявий хизматларнинг арзонлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва аҳолининг молиявий саводхонлиги билан ҳам баҳоланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда қуйидаги муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда: чекка ҳудудларда рақамли инфратузилманинг тўлиқ шаклланмаганлиги; айрим аҳоли қатламларининг рақамли кўникмалари етарли эмаслиги; киберхавфсизлик билан боғлиқ таваккалчиликларнинг ортиши; кичик бизнес субъектларининг молиялаштириш имкониятларидаги чекловлар; молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада такомиллаштириш зарурати.

Шу муносабат билан молиявий оммабопликни таъминлаш, рақамли банк хизматлари қамровини кенгайтириш, финтех экотизимини ривожлантириш ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Молиявий оммабоплик тушунчаси 1993 йилда биринчи марта хорижлик тадқиқотчилар географлар Лейшон ва Трифт (2004) томонидан ўрганилган, улар молиявий хизматлардан фойдаланишда жисмоний чекловларни аниқлаб, аҳолининг баъзи қатлам ва гуруҳлари банк ва суғурта ташкилотларига мурожаат қилишда дуч келадиган муаммолар бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

"Молиявий оммабоплик - бу жамиятдаги ҳар бир киши учун янги имкониятлар ва узоқ муддатли манфаатлар дунёсини очадиган ақлли сармоядир<sup>1</sup>"

Иқтисодчи олима Абдуллаева (2024)нинг фикрича, Молиявий оммабоплик тушунчаси одатда аҳоли томонидан молиявий хизматларга бўлган талаб ва молия институтларининг таклифига мос келиш нуқтаи назаридан талқин қилинади. Бу одамларнинг муваффақиятли мослашишининг асоси ташқи воқеликнинг шахснинг ички ҳолатига мос келишининг асосий шарт сифатида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжларни мақсадли шакллантиришда ётади, деган муҳим ҳақиқатни эътибордан четда қолдиради.

Bank for International Settlements йиллик ҳисоботларида рақамли технологиялар, марказий банкларнинг рақамли валюталари (CBDC), сунъий интеллект ва очиқ молия (Open Finance) келгуси йилларда банк хизматлари оммабоплигини оширишнинг асосий драйверлари сифатида баҳоланган. Шу билан бирга, рақамли трансформация билан бир

<sup>1</sup> Молиявий оммабоплик альянси халқаро ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисида. <https://cbu.uz/oz/about/international-cooperation/74857>.

қаторда киберхавфсизлик, маълумотларни ҳимоя қилиш ва рақамли таваккалчиликларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

Таҳлил қилинган илмий манбалар шуни кўрсатадики, молиявий оммабопликни таъминлаш эндиликда банк филиаллари сонини кўпайтириш билан эмас, балки рақамли хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий саводхонликни ошириш, финтех экотизимини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, киберхавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш орқали амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларни халқаро илғор тажрибалар билан уйғунлаштириш банк хизматлари оммабоплигини янада оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакилларининг иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар 2026 йилга келиб янги босқичга чиқиши натижасида, рақамли трансформация, финтех экотизимининг кенгайиши ва банк хизматларининг тўлиқ рақамлашуви молиявий хизматлар оммабоплигини оширишнинг асосий драйверига айланди.

2024–2026 йиллар динамикасига кўра, мамлакатда молиявий секторда рақобат сезиларли кучайди. Тижорат банклари сони барқарор бўлиб қолган ҳолда, нобанк молия ташкилотлари, микромолия институтлари ҳамда рақамли банклар улуши ошди. Айниқса, рақамли банклар ва финтех компаниялар томонидан таклиф этилаётган онлайн кредит, микрозайм, “mobile-first banking” хизматлари аҳоли учун молиявий хизматларга киришни янада енгиллаштирди.

Марказий банк ва молия регулятори томонидан амалга оширилган чоралар натижасида 2026 йилга келиб:

рақамли транзакциялар улуши анъанавий банк операцияларидан устунликка эга бўлди;

масофавий ҳисоб очиш ва идентификация (е-KYC) тизими тўлиқ жорий этилди; онлайн кредитлаш ва скоринг тизимлари сунъий интеллект асосида такомиллаштирилди.

Банк инфратузилмаси таҳлили шуни кўрсатадики, 2020–2026 йиллар давомида: банк хизматлари марказлари ва 24/7 шохобчалар сони сезиларли даражада ошди; анъанавий филиаллар қисқариши оптимализация сиёсати билан боғлиқ равишда давом этди;

банк хизматларининг “филиалсиз модели” кенг тарқалди.

2026 йилда молиявий инклюзивлик даражаси сезиларли яхшиланди. Жумладан, рақамли хизматлар ҳисобига қишлоқ ҳудудларида банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кенгайди. Шу билан бирга, мобил илова орқали фаол мижозлар улуши умумий мижозлар базасининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Бироқ, таҳлиллар қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатади:



**1-расм. Ўзбекистонда банк хизматлари оммабоплигини оширишдаги асосий муаммолар**

*Манба:* муаллиф томонидан ишланган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар мамлакатимизда банк хизматлари оммабоплиги сезиларли даражада ошган бўлишига қарамасдан, молиявий инклюзивликни янада кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Аввало, рақамли молиявий саводхонликнинг ҳудудлар кесимида бир хил эмаслиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон банкининг Global Findex 2025 маълумотларига кўра, юқори даромадли мамлакатларда катта ёшли аҳолининг 80–90 фоизи рақамли тўловлардан мунтазам фойдаланса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 55–65 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли банк хизматларидан фойдаланувчилар сони жадал ўсган бўлса-да, айниқса чекка қишлоқ ҳудудларида, кекса авлод ва кам даромадли аҳоли ўртасида рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш кўникмалари етарли даражада шакланмаган. Марказий банк маълумотларига кўра, мобил банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг асосий қисми шаҳар аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Бу эса ҳудудлар ўртасида рақамли тенгсизлик сақланиб қолаётганини кўрсатади.


Иккинчи муҳим масала - киберхавфсизлик ва рақамли фирибгарлик (фрод) ҳолатларининг ортишидир. IBM Security компаниясининг 2025 йилги ҳисоботида мувофиқ, молия соҳасида биргина киберхужум оқибатида келтириладиган ўртача зарар 6 млн АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган. Шунингдек, Statista маълумотларига кўра, 2025 йилда дунё бўйича онлайн банк фирибгарлиги билан боғлиқ зарарлар 48 млрд АҚШ долларидан ошган. Ўзбекистонда ҳам интернет-банкнинг, пластик карталар ва мобил иловалар орқали содир этилаётган фирибгарлик ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Хусусан, фишинг, ижтимоий муҳандислик (social engineering), сохта SMS ва қўнғироқлар орқали банк карта маълумотларини қўлга киритиш ҳолатлари молиявий хизматлар истеъмолчилари учун асосий хавфлардан бирига айланмоқда. Бу эса банкларда киберхавфсизлик инфратузилмасини кучайтириш, биометрик идентификация ва сунъий интеллектга асосланган антифрод тизимларини янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Учинчи муаммо - айрим ижтимоий қатламларда банк хизматларига бўлган ишончнинг етарли даражада эмаслигидир. Айниқса, кекса ёшдагилар, норасмий секторда меҳнат қилувчилар ва айрим қишлоқ аҳолиси анъанавий нақд пул ҳисоб-китобларини афзал кўришмоқда. Бу ҳолат молиявий саводхонликнинг пастлиги, рақамли технологияларга нисбатан эҳтиёткорлик ҳамда фирибгарлик ҳолатларидан хавотир билан изоҳланади. AFI (Alliance for Financial Inclusion) тадқиқотлари кўрсатишича, молиявий хизматлардан тўлиқ фойдаланиш даражаси аҳолининг молиявий саводхонлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг 10 фоизга ошиши молиявий инклюзивлик даражасининг ўртача 6-8 фоизга ўсишига хизмат қилади.

Тўртинчи муаммо - финтех компаниялари ва анъанавий банклар ўртасида интеграция жараёнларининг етарлича ривожланмаганлигидир. Ривожланган мамлакатларда Open Banking ва Open API технологиялари банклар ҳамда финтех компаниялари ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлаб, янги рақамли хизматларни тезкор жорий этиш имконини бермоқда. Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ягона API платформаси, очиқ банк инфратузилмаси ва рақамли экотизим тўлиқ шаклланмаган. Бу эса инновацион молиявий маҳсулотларнинг оммалашув суръатларини чеклаб турибди.

Шу билан бирга, исломий молия сегментининг ривожланиши 2026 йилга келиб банк хизматлари оммабоплигини оширишнинг янги йўналишларидан бири сифатида шаклланмоқда. Исломий молия саноати жаҳонда энг тез ривожланаётган молиявий сегментлардан бири бўлиб, Islamic Financial Services Board (IFSB) маълумотларига кўра, 2025 йил якунига келиб глобал исломий молия активлари ҳажми 5 триллион АҚШ долларига яқинлашган ҳамда йиллик ўсиш суръати 10–12 фоизни ташкил этган.

Кўйидаги 1-расмда 2025 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, улар банк хизматлари оммабоплиги ва рақамли молиявий хизматлар ривожланишининг юқори суръатларда давом этаётганлигини кўрсатади (1-расм).



### 1-расм. Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари оммабоплигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар (2025 йил)

Манба: <https://cbu.uz/upload/medialibrary/964/07iq5gf3vjv0vw7636kvcccbudz35jdm/Yillik-hisobot-2025.pdf> 6-bet

1-расм маълумотларига кўра, 2025 йилда мамлакатда банк ва молия инфратузилмасининг кенгайиши ҳамда рақамли банк хизматларининг ривожланиши юқори суръатларда давом этган. Жумладан, республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 36 тани, нобанк кредит ташкилотлари эса 233 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 40 тага кўпайган. Бу молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитининг кучайиб бораётганлигини ҳамда аҳоли ва бизнес субъектлари учун молиявий хизматлар турларининг кенгайиб бораётганлигини англатади.

Шунингдек, тўлов ташкилотлари сони 47 тага етган бўлиб, уларнинг сони бир йилда 3 тага ошган. Бу мамлакатда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар инфратузилмасининг ривожланаётганлигини кўрсатади.

Банк хизматлари оммабоплигини ошириш нуқтаи назаридан инфратузилма кенгайиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, банк хизматлари кўрсатиш офислари (мини-банклар) сони 1 729 тани, 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи банк шохобчалари эса 5 615 тани ташкил этган. Бу кўрсаткичлар банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг вақт ва ҳудуд бўйича янада кенгайганлигини тасдиқлайди.

Расмдан кўринишича, аҳолига хизмат кўрсатувчи техник инфратузилма ҳам сезиларли даражада кенгайган. Жумладан, банккомат ва инфокиосклар сони 40 090 тага етган бўлиб, бир йилда 10 181 тага ошган. Шунингдек, валюта айирбошлаш шохобчалари 7 047 тани, тўлов терминаллари эса 431 мингтани ташкил этган. Бу банк хизматларининг ҳудудий қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Рақамли молия хизматларининг жадал ривожланганлиги банк карталари ва электрон тўлов воситалари статистикасида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, муомаладаги банк карталари сони 68 миллионга етган бўлиб, йил давомида 6,3 миллионга кўпайган. Электрон ҳамёнлар сони 25 миллионтани ташкил этиб, 20 фоизга ўсган. Шунингдек, QR-кодлар сони 139 минг донага етган ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ошган.

Рақамли банк хизматларидан фойдаланиш ҳажми янада юқори суръатларда ўсган. Жумладан, мобил иловалар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 646 триллион сўмга етган бўлиб, бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошган. Бу аҳолининг мобил банкинг хизматларига бўлган ишончи ва талабининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, аҳоли томонидан банк карталарига тушган маблағларни нақдлаштириш даражаси 2024 йилдаги 21,8 фоиздан 2025 йилда 18,7 фоизгача пасайган. Мазкур ҳолат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушининг ортиб бораётганлиги ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланаётганлигини англатади.

Марказий банк фаолияти самарадорлиги ҳам айрим кўрсаткичларда намоён бўлган. Жумладан, Марказий банкнинг ахборот каналлари доимий фойдаланувчилари сони 2 миллион нафарга етган ва 15 фоизга ўсган. Шунингдек, 18 та халқаро техник кўмак лойиҳалари амалга оширилган, 20 та илмий тадқиқот бажарилган, ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 11 556 соатлик ўқув машғулотлари ташкил этилган.

Демак, 1-расмда келтирилган маълумотлар 2025 йилда Ўзбекистон банк тизимида рақамли трансформация жараёнлари жадал давом этганлигини, банк хизматлари инфратузилмасининг кенгайганлигини, нақд пулсиз тўловлар ҳажми ўсганлигини ва молиявий хизматларнинг аҳоли учун янада оммабоп бўлиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, мазкур кўрсаткичлар мамлакатда молиявий инклюзивликни таъминлаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда банк хизматлари сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаси сифатида баҳоланиши мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида банк

тизимини модернизация қилиш, рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда молиявий инклюзивликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар банк хизматлари оммабоплигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, рақамли банк хизматлари, мобил иловалар, масофавий идентификация (e-KYC), тезкор тўлов тизимлари, QR-тўловлар ҳамда финтех компанияларининг ривожланиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Бу эса мамлакатда нақд пул айланмасини қисқартириш, молиявий хизматлар сифатини ошириш ва иқтисодиётнинг рақамлашувини жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, банк хизматлари инфратузилмасининг кенгайиши, рақамли банклар сонининг ортиши ва рақамли хизматлар улушининг ўсишига қарамасдан, молиявий оммабопликни тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ҳудудлар ўртасида рақамли молиявий саводхонлик даражасининг фарқ қилиши, киберхавфсизлик ва рақамли фирибгарлик ҳолатларининг кўпайиши, айрим ижтимоий қатламларда банк хизматларига бўлган ишончнинг пастлиги ҳамда финтех компаниялари ва анъанавий банклар ўртасидаги интеграциянинг етарлича ривожланмаганлиги ушбу соҳада комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Шунингдек, мамлакатимизда исломий молия институтларини босқичма-босқич жорий этиш, молиявий хизматлар турларини диверсификация қилиш ва аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжларига мос молиявий маҳсулотларни таклиф этиш молиявий инклюзивликни янада оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу нафақат молиявий хизматлар қамровини кенгайтиради, балки хусусий инвестициялар ҳажминини ошириш ва кичик бизнес субъектларини молиялаштириш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Республика ҳудудларида рақамли банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, айниқса чекка ҳудудларда интернет қамрови ва рақамли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича доимий давлат дастурларини амалга ошириш ҳамда умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасалари ва касбий таълим тизимида «Молиявий саводхонлик» фанини кенг жорий этиш.

Банкларда киберхавфсизлик тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, сунъий интеллектга асосланган антифрод платформаларини жорий этиш ҳамда мижозларни киберфирибгарликдан ҳимоя қилиш бўйича профилактик чораларни кучайтириш.

Финтех компаниялари ва тижорат банклари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, Open Banking ва Open API технологияларини босқичма-босқич жорий этиш орқали инновацион молиявий хизматлар бозорини кенгайтириш.

Исломий молия институтлари учун ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, шариат талабларига мувофиқ банк маҳсулотларини жорий этиш ҳамда мазкур соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш.

Банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича ахборотнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда молиявий омбудсман институтини янада такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда банк тизимини рақамлаштириш, молиявий инклюзивликни кенгайтириш ва инновацион молиявий хизматларни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, инвестицион

жозибаторликни ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган институционал ва технологик ислохотларни изчил давом эттириш банк хизматлари оммабоплигини янада ошириш ва Ўзбекистон молия бозорининг халқаро рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Andrew Leyshon, Dawn Burton, David Knights (2004) *Towards an Ecology of Retail Financial Services: Understanding the Persistence of Door-to-Door Credit and Insurance Providers//Environment and Planning A: Economy and Space// April 1, Research Article* <https://doi.org/10.1068/a3677>.

Azlarova, A. (2023). Особенности развития банковской системы Республики Узбекистан на современном этапе. *Economics and Innovative Technologies*, 11(5), 1–7. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss).

Абдуллаева Ш. (2024) Критерии оценки и пути развития финансовой доступности. <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/977/1185>.

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, 23.03.2018 й <https://lex.uz/docs/3593541>.

Қонун (2019) “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон. <https://lex.uz/docs/4590452>.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.